

1000 26.40.33.110-00006

Сотиб олиш бўйича

СТ 4354990

ШАРТНОМА № 37

«29» 06. 2022 йил

Риштон шаҳри

Бизларким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида “Сотувчи” деб аталувчи хусусий корхона “OFFICE PLYUS” номидан, Б.Рузиматов бир томондан ва келгусида “Харидор” деб аталувчи Риштон ХТБга қарашли мактаблар номидан Ш. Мадаминов . ушбу шартномани имзолаш билан қўйидагилар келишилди.

1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ.

1.1. «Харидорнинг»нинг буюртмасига асосан “Сотувчи” “Харидорга”га қўйидаги махсулотларни етказиб беради:

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Мактаб биносига кузатув камерасини сотиб олиш ва урнатиб бериш. 1. NVR-24 порт Формат видеосжатия Н.265+/ Н.265/ Н.264+/ Н.264/MPEG4. 2. Smart Managed 24-Port 1000 Mbps PoE Switch 3. Камера 9 шт -, Питание DC12В / PoE, Встроенные микрофон и динамик. 4. Кабел УТП - 1500 м. 5. Кабел канал - 1420 м. 6. Телевизор 43 -для камеры и интернет 7. Подключить камеры к интернету 8. Услуги по монтаж и установки.)	Ус.ед	1	28 000 000	28 000 000
	Жами:				28 000 000

1.2. «Сотувчи» ушбу шартномага асосан “Харидор”га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги махсулотни етказиб беравди, “Харидор” махсулотни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда амалга оширади.

II. ШАРТНОМА БАХОСИ, МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати 28 000 000 (Йигирма саккиз миллион) сўмни ташқ Кўрсатилган махсулотни шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати ушбу шартнома кўрсатиб ўтилади.

2.2 “Сотувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда юқорида кўрсатилган махсулотни етказиб беради.

2.3 “Харидор” “Сотувчи” тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.4 “Сотувчи” томонидан “Харидор”га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада хизмат кўрсатган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун “Харидор” томонидан ҳақ тўланмайди.

2.5 “Харидор” “Сотувчи” га бериладиган махсулотнинг 30 фоиз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, етказиб берилади.

2.6 “Сотувчи” етказиб берилган махсулот учун “Харидор”га ҳужжатларни тақдим қилади “Харидор” тақдим қилинган тўлов ҳужжатларига асосан шартноманинг тўловлар жадвали доирасида тўловни амалга оширади.

III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2 “Харидор” томонидан махсулот етказилишининг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар



“Харидор”да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қуяди.

3.3. “Харидор” илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд махсулот етказилиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Сотувчи”ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 20 кун олдин хабардор қилади.

3.4. “Харидор” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.5. “Харидор” “Сотувчи” томонидан махсулот ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз махсулот етказиб берилган ҳолатларда шартномани “Сотувчи”ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро кўшимча келишувларига мувофиқ қилинади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Хизмат курсатувчи”нинг мажбуриятлари:

4.1. “Сотувчи” етказиб берилган махсулотни сифатли қонунга асосан қафолатлайди. Сифатсиз махсулот аниқланса, уша пайтнинг ўзида аниқланган камчилик бартараф этилади.

“Харидор”нинг мажбуриятлари:

4.2. Ўз талабномаси бўйича етказиб бериладиган махсулот мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

4.3. Шартномани бюджетдан маблағ олувчи муассаса томонидан бир томонлама бузишга ҳақлидир.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Махсулот етказиш муддатлари кечиктириб юборилган, махсулот тўлиқ етказилмаган ҳолларда, “Хизмат курсатувчи” “Харидор”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилаётган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш “Сотувчи”ни махсулот етказиш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Қандайдир сабабларга кўра келишилган махсулот ёки бажарувчини ҳисоб рақамига пул тушмай қолса, ҳар бир кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида пенянинг умумий суммаси етказиб берилаётган махсулот баҳосининг 50 % дан ошиб кетмаслиги лозим.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР

7 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимираши, сел қилиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочиш керак. Томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини қафолатлайди.

7.2. Коррупсияга қарши кураш қоидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахсан (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбурияти олади Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.

7.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупсия хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупсия ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишгаёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

7.4. Сотиб олувчига етказиб берилган махсулот учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақни.

7.5. Расмийлаштириш санаси Сотиб олувчи томонидан товарларни қабул қилиш куни ҳисобланади.

7.6. Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир булган кундан бошлаб ҳисобланади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома “Харидор”, “Хизмат курсатувчи” томонидан тасдиқлангандан сунг кучга киради ва 2022 йил “31” декабрьгача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тухтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“OFFICE PLYUS” хусусий корхонаси

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Риштон шаҳри
х/р: 20208000300898749001

Банк номи “Агробанк”
Риштон бўлими

МФО: 00519 СТИР: 305634250

ОКОНХ:

Раҳбар



Б.Рузиматов
(Ф.И.Ш.)



М.Ў.

«ХАРИДОР»

Риштон тумани Халқ таълими бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Риштон тумани

Тел./факс

ш/хр: 400122860302247092100075138

СТИР: 200181783 МФО: 00014

ОКОНХ

Банк номи: Тошкент марказий банки

Риштон Ғазначилик бўлинмаси

ИНН 201122919

Х/Р : 23402000300100001010

Раҳбар

Ш. Мадаминов.

(Ф.И.Ш.)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ YD4874342280

1. Loyiyaning turi: SHARTNOMA № 36

2. Loyiyaning nomi: **Kuzatuv kamerasini sotib olish va urnatib berish to'g'risida**

Umumiy summasi 28 000 000 (Yigirma sakkiz million) so'm bo'lgan kuzatuv kameralarini sotib olish va urnatib berish bo'yicha **"OFFICE PLYUS"** xususiy korxonasi rahbari **B.Ruzimatov** va Rishton tuman Xalq ta'lim bo'limi rahbari **Sh.Madamiovlar** o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi **"OFFICE PLYUS"** xususiy korxonasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun Rishton tumani Xalq ta'lim bo'limi tomonidan 27.06.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan. Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.09.2018 yilgi "Davlat haridlari to'g'risida" gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 3953-sonli qarori hamda O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



J.S.Xamraliyev

Риштон туман Халқ таълими бўлими йиғилиш

БАЁНИ ВА ҚАРОРИ №1.

15 06 2022 й.

Риштон тумани.

1.Кун тартибидагимасала: Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 58-умумий ўрта таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб бериш тўғрисида.

2.Раислик қилувчи: Риштон туман Халқ таълими бўлими мудир Ш. Мадаминов.

Катнашдилар: Риштон туман Халқ таълими бўлим мудир Ш. Мадаминов, бош муҳандиси Ж. Якубов, бош ҳисобчи Д. Қурбонова, муҳандис М. Муйдинов ва иқтисодчи З Дехқонов.

Йиғилишни Риштон туман Халқ таълими бўлим мудир сўзни очиб, Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 58-умумий ўрта таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб бериш кераклигини гапириб утиб, бош муҳандис Ж. Якубовга сўз берди.

Сўз олган Ж. Якубов ҳақиқатдан ҳам Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 58-умумий ўрта таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб бериш бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан олиш лозимлигини йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди.

Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш

қарор қилади:

1. Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 58-умумий ўрта таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб бериш ишларини вазифаси бош муҳандис Ж. Якубовга юклатилсин.
2. Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 58-умумий ўрта таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб бериш ишларини пудратчи ташкилот билан шартномат тузиш ҳамда туловларни амалга ошириш вазифасини бош ҳисобчи Д. Қурбоновага юклатилсин. Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Риштон туман Халқ таълими
бўлими мудир:

Котиба:



Ш. Мадаминов.

Д. Қурбонова.



« ТАСДИКЛАЙМАН »

**Риштон туман Халқ талими
бўлими мудир:**

Ш.Мадаминов

2022 йил.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

БУЮРТМАЧИ

**Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қаршли 58-умумий ўрта
таълим мактаби**

**Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қаршли 58-умумий ўрта
таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб
бериш.**

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Риштон тумани Халқ таълими бўлимига карашли 58-умумий ўрта таълим мактаби биносига кузатув камераларини сотиб олиш ва урнатиб бериш.
2	Талаб қилинадиган маҳсулотлар	<p>Мактаб биносига кузатув камерасини сотиб олиш ва урнатиб бериш.</p> <p>1. NVR-24 порт Формат видеосжатия Н.265+/ Н.265/ Н.264+/ Н.264/MPEG4.</p> <p>2. Smart Managed 24-Port 1000 Mbps PoE Switch</p> <p>3. Камера 9 шт -, Питание DC12В / PoE, Встроенные микрофон и динамик.</p> <p>4. Кабел УТП - 1500 м.</p> <p>5. Кабел канал - 1420 м.</p> <p>6. Телевизор 43 -для камеры и интернет</p> <p>7. Подключить камеры к интернету</p> <p>8. Услуги по монтаж и установки.)</p>
3	Буюртмачи	Риштон туман Халқ таълими бўлими
4	Объект жойлашган манзил	Риштон тумани
5	Алохида талаблар	Маҳсулотга бўлган талаб тўғрисида бир иш куни олдин маълумот берилади. Маҳсулот талаб қилинган параметрларга мос равишда бўлими ва 1 йил кафолатга эга бўлиши шарт.
6	Тўлов шартлари	Бошқарма томонидан олдиндан 30%,маҳсулот тулик етказиб берилгандан кейин 70% тўловлар амалга оширилади.
7	Молиялаштириш манбаи	Бюджетдан ташкари махсус ҳисоб рақамидаги маблағдан

Тузди:



Д.Қурбонова